

“Агробанк” АТБ акциядорларининг
навбатдаги умумий йиғилишининг
2014 йил 20-июндаги
29-сонли мажлис баённомасига
4-илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг
бошқаруви тўғрисида**

Н И З О М

(янги тахрирда)

Тошкент-2014

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг бошқаруви мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

2. Низом Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30-мартдаги ПҚ-1084-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31-мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда банк Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

2. Банк Бошқарувини тузиш тартиби

3. Банк Бошқарувининг таркиби етти аъзодан иборат.

4. Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва кейинчалик банк Кенгаши тасдиғига киритилади. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишилган ҳолда банк Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

5. Бошқарув аъзолигига номзодлар кўриб чиқилганда, уларни тайинлаш ҳақидаги қарор банк Кенгашининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6. Банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини банк номидан банк Кенгаши раиси имзолайди, Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари ва банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини банк Бошқаруви раиси имзолайди.

7. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

8. Бошқарув раиси банк Бошқаруви таркибидаги вақтинча бўш бўлган лавозимга, банк Кенгашининг келгуси мажлисигача бўлган муддатда, Бошқарув аъзоси вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш ҳуқуқига эга.

9. Бошқарув аъзоси банк устави талабларига риоя қилмаганлиги, шунингдек меҳнат шартномаси билан юклатилган вазифаларини бажармаганлиги учун бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиниши мумкин. Бошқарув аъзосини чақириб олиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарор банк Кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

10. Бошқарув раиси мазкур Низомга мувофиқ банк фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Бошқарувнинг таркибига кўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

3. Банк бошқарувининг ваколатлари ва таркиби

11. Бошқарувнинг ваколатига банкнинг жорий фаолиятига раҳбарликнинг барча масалалари киради.

Бошқарув коллегиял ижроия органи бўлиб, у банкнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, банкнинг самарали ва оқилона ишлашини ташкил қилади.

12. Банк бошқаруви:

банк Бошқаруви раиси;

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари;

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти бошлиғи - бош бухгалтер;

Юридик хизмат департаменти бошлиғидан иборат таркибда тузилади.

Банк Бошқаруви таркибига Бошқарув раисининг тавсияси билан банк фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи таркибий тузилма раҳбари ҳам киритилиши мумкин.

13. Бошқарув ўз фаолиятини банкнинг устави ҳамда мазкур Низом талабларига асосан юритади.

14. Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини лавозим мажбурияти билан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва Бошқарувининг қарорлари, Бошқарув раисининг кўрсатмалари доирасида амалга оширади.

15. Банк Бошқарувининг ваколатлари:

а) банкнинг жорий фаолиятига тезкор раҳбарликни ташкил этади, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан банк ҳамда банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлайди;

б)банк марказий аппарати таркибий тузилмалари, ҳудудий бошқармалари ва филиаллари раҳбарларининг банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ҳамда ишлар учун фаолият якунлари тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари юзасидан ҳисоботларини кўриб чиқади;

в)банкнинг иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди;

г)банкнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ҳамда амалга оширади;

д)банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилайди;

е)зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

ё)банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки белгилаган иқтисодий нормативларга ҳамда мажбурий заҳираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

ж)банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, активларни таснифлаш орқали эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳиралар яратилишини таъминлайди;

з)қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

и)қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни уларга тақдим этади;

к)Акциядорларнинг умумий йиғилиш ва банк Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлайди;

л)банк Кенгаши олдида ҳар чоракда ва акциядорларнинг ҳисобот Умумий йиғилишида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун ҳисобот беради;

м)банк Кенгашида кўриб чиқиш учун банкнинг бизнес режаси, банкни ривожлантириш стратегияси, харажатлар доираси ва банк Кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;

н)банк тизимида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилади;

о) банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички меъёрий ҳужжатларни қабул қилади, тасдиқланиши умумий йиғилиш ва банк Кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

п) ишчи органларни, шу жумладан банк қўмита ва комиссияларини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

р) филиални бошқариш бўйича вақтинча бошқарувни ёки банкнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

с) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизгача бўлган миқдордаги битимларини тузиш тўғрисида қарорларни қабул қилади. Банк Бошқаруви банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан битимларни тузиш билан боғлиқ ваколатларини банкнинг қўмита ва комиссиялари, ҳудудий бошқармалари, филиаллари, шуъба ҳамда қарам корхоналарига бериши мумкин;

т) банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасини тасдиқлайди;

у) ҳар йили банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларининг пухта танлаб олинишини, самарадорлиги комплекс баҳоланишини ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

ф) амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини ўзи қоплаши, кўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чоракда банк Кенгашига ахборот беради;

х) “Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ҳомийлик ва хайрия ишларини амалга оширади.

16. Банк Бошқаруви банк фаолиятини оператив юритиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал этади.

17. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

18. Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўз ваколатларини банк акциядорлари ва омонатчиларининг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

билимдонлик ва масъулият билан раҳбарлик қилишни таъминлаш;

банк фаолиятини қонуний, хавфсиз ва оқилона бошқаришни амалга ошириш;

омонатчилар, кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банк фаолиятининг тўғри юритилиши, банк қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган иқтисодий меъёрларга риоя этилишини таъминлаш;

банкнинг мутаносиб равишда сармояланишини қўллаб-қувватлаш;

банкнинг фаолият стратегиясини шакллантириш;

банк бизнес-режасини ишлаб чиқиш ва Банк Кенгаши тасдиғига киритиш, унинг ижросини таъминлаш;

банкнинг ички назорат тизими фаолиятини ташкил этиш.

4. Банк Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари

19.Бошқарув раиси банк фаолиятининг жорий масалаларини мустақил равишда ҳал қилади, Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кенгашининг ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

20.Банк Бошқаруви раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

банкнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарлик қилади;

банк номидан уставга асосан ишончномасиз иш юритади;

бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда банкнинг манфаатларини ифодалайди;

банк номидан битим ва шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузади;

банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф қилади;

банк номидан ҳаракат қилиш учун ходимларга ишончномалар беради;

банкнинг марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, филиаллар, ваколатхоналар, шўъба ва тобе корхоналар раҳбарларини тайинлайди, лавозим ойлик маошларини белгилайди ҳамда уларни лавозимидан озод қилади;

штатларни тасдиқлайди;

банк фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасига ўзгартиришлар киритади,

ходимларни рағбатлантиради, уларга нисбатан интизомий жазоларни қўллайди, шунингдек интизомий жазоларни олиб ташлайди;

банкнинг таркибий тузилмалари ҳақидаги низомлар ва лавозим мажбуриятларини тасдиқлайди;

Бошқарув раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ўз ваколати доирасида банк тизимида бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни беради.

21. Бошқарув раисининг вазифалари:

ўз ваколатлари доирасида банкнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

Акциядорлар умумий йиғилиши ва банк Кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

банк таркибий тузилмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

банк тараф бўлиб қатнашган барча турдаги шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

банкнинг барча соҳаларини ривожлантириш учун етарли бўлган ҳажмда фойда олинишини таъминлаш;

банк томонидан мол-мулк олиш ёки тасарруф этиш билан боғлиқ йирик битимлар ва тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлардан ташқари битимларни тузиш ёки уларни тузиш учун ваколатли ходимларга ишончнома бериш;

банкни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

банк фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

банкда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этиш, унинг ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва бошқа олувчиларга юбориладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш. Банк Кенгашига йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида йилнинг ҳар чорагида ахборот бериш;

банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни банк Кенгаши, тафтиш комиссияси ёки банкнинг ички аудит хизмати талабига кўра мазкур Низом ва амалдаги қонунчилик доирасида тўсиқсиз тақдим этиш;

статистик ҳисоботнинг тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

тижорат, банк сири ва хизматда фойдаланиш грифи бўлган ахборот ҳамда маълумотларни сир сақлаш;

тижорат, банк сири ва хизматда фойдаланиш грифи бўлган ахборот ҳамда маълумотларни банк ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

банк Бошқаруви йиғилишлари ўтказилишини ташкил этиш, банк номидан ҳужжатларни ва бошқарув йиғилишлари баённомаларини имзолаш;

банкни малакали ходимлар билан бутлаш, банк ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чоратадбирларини кўриш;

меҳнат ва технология интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва банк ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

жамоа музокараларида банк Бошқаруви вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

банк фаолияти масалалари бўйича Бошқарув қарорларини имзолаш, буйруқлар, фармойишлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш;

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк Кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

Банк Бошқаруви мазкур Низомга илова қилинган руйхатдаги аффилиланган шахслар билан ўрнатилган тартибда кредит, кафолат ва бошқа битимлар тузиш юзасидан қарор қабул қилиш ҳамда битимларни тузиш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқини банкнинг ҳудудий бошқармалари, кўмита ва комиссияларига беришга ҳақли.

22.Бошқарув раисининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартномада у билан олдиндан келишиб олинади.

23.Бошқарув раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида бир йилда бир марта банк фаолияти юзасидан ахборот беради.

24.Раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг банк фаолияти йўналишига раҳбарлик қилиши ҳамда марказий аппаратнинг таркибий

тузилмалари фаолияти устидан назорат ўрнатиши Бошқарув раисининг буйруғи билан белгиланади.

Раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган ҳамда фаолияти устидан назорат ўрнатиши лозим бўлган қўмиталар, комиссиялар ва таркибий тузилмаларнинг фаолияти юзасидан масъулдирлар.

25.Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Бошқарув раиси томонидан берилган ишончномага асосан фаолият юритади.

26.Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган таркибий тузилмалар томонидан тайёрланган битимлар, хизмат фармойишлари ҳамда бошқа тусдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ва хизмат хатларини белгиланган тартибда имзолаш ваколатига эга.

27.Бошқарув раиси ишда бўлмаган вақтда унинг вазифасини Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ёки Банк Кенгашининг қарори ёхуд Бошқарув раисининг буйруғи билан тайинланган раис ўринбосари бажаради.

27.Бошқарув раиси ишда бўлмаган вақтда ушбу Низомнинг 20 ва 21-бандларида назарда тутилган ҳуқуқ ва вазифалар Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ёки Банк Кенгашининг қарори ёхуд Бошқарув раисининг буйруғи билан тайинланган раис ўринбосари бажаради.

28. Бошқарув раиси, Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг аниқ лавозим мажбуриятлари тегишинча банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан тасдиқланган лавозим мажбуриятлари билан белгиланади.

5. Банк Бошқарувининг йиғилишлари

29.Бошқарув йиғилишларини ўтказиш банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган регламент билан тартибга солинади.

30.Бошқарув йиғилишлари зарур ҳолатларда, бироқ ойда камида бир марта ўтказилади. Банк Кенгаши ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳал қилиш учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда банк Бошқаруви томонидан олдиндан муҳокама этилади. Банк Бошқарувининг фикри ҳақида банк Кенгашида ёки Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

31.Бошқарув йиғилишини Бошқарув раиси ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

32. Банк Бошқаруви йиғилишини ўтказиш учун кворум Бошқарув аъзолари белгиланган сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак

33. Бошқарув аъзоларининг сони йиғилишлар ўтказиш учун белгиланган кворумдан камроқ бўлиб қолган ҳолларда банк Бошқарувининг янги таркибини тайинлаш учун банк Кенгашининг фавқулодда (навбатдан ташқари) йиғилиши чақириши шарт. Банк Бошқарувининг қолган аъзолари банк кенгашининг шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидирлар.

34. Бошқарувнинг йиғилишида қарорлар йиғилишда иштирок этаётган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Бошқарув йиғилишида масалаларни ҳал этиш чоғида Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

35. Ушбу Низомнинг 15-банди “р”, “с”, “т” ва “х” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор банк Бошқаруви томонидан Бошқарув аъзоларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Банк Бошқарувининг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

36. Бошқарувнинг котиби банк Бошқарувининг йиғилиш баённомалари юритилишини ташкил қилади, баённомаларни Бошқарув йиғилиши ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай расмийлаштирилишини таъминлаб, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

37. Банк Бошқарувининг йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган жой ва вақт;

мажлисда иштирок этувчи шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овозга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

38. Банк Бошқарувининг йиғилиш баённомасининг ижроси Бошқарув қарори билан таъминланади.

39. Банк Бошқарувининг йиғилишлари баённомаларидан кўчирмалар банк Кенгаши, тафтиш комиссияси раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахслар ҳамда аудиторларнинг талабига кўра фақат Бошқарув раисининг рухсати билан тақдим қилиниши мумкин.

40. Бошқарув йиғилишининг баённомаси йиғилишда раислик қилган шахс томонидан имзоланади, у баённоманинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

41. Банк Бошқаруви аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Бошқарув томонидан қарор қабул қилишда банк Бошқаруви раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

42. Банк Бошқарувининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) банк Бошқарувининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

6. Банк Бошқаруви фаолияти устидан назорат

43. Банк Бошқаруви банкнинг молиявий аҳволи ва фаолияти тўғрисида вақти-вақти билан, лекин чорақда камида бир марта, шарҳлар ҳамда ёзма ҳисоботлар, жумладан уларни яхшилашга оид тавсиялар билан банк Кенгаши олдида ҳисобот беради.

44. Банк Бошқаруви:

активларга нисбатан даромад;

оддий акциялар бўйича даромад;

умумий фоиз маржасининг миқдори;

фоизлар тўлаш билан боғлиқ бўлмаган активларга нисбатан банк харажатлари;

барча кредитларга нисбатан ишончсиз кредитларнинг улуши;

барча кредитларга нисбатан ҳисобдан чиқарилган кредитларнинг улуши;

йирик кредитларнинг суммаси ва алоқадор шахсларга берилган кредитлар юзасидан банк Кенгашига ҳисобот бериб боради.

45. Банк филиалларининг фаолияти банк ички аудити хизмати томонидан мунтазам текшириб борилади ҳамда унинг натижалари юзасидан ички аудит хизмати банк Бошқарувига текширув материалларини илова қилган ҳолда ўз хулосасини беради.

46. Банк Бошқаруви ички аудит хизмати хулосасини муҳокама қилиб, банк филиаллари фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўриб боради.

47. Банк фаолияти бир йилда бир марта ташқи аудит текширувидан ўтказилади.

7. Банк Бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги

48.Банк Бошқарувининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутади ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

49.Банк Бошқаруви аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак.

50.Банк Бошқаруви аъзолари банк мол-мулкни тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги зарур.

51.Банк Бошқаруви аъзосининг бири банк томонидан ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва мазкур масала бўйича қарор қабул қилишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

52.Банк Бошқаруви аъзолари аъзолик даврида фаолияти банк хизматларини кўрсатишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар.

53.Банк Бошқаруви аъзоси банкда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида банк Кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

54.Банк Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида банкка етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва банк уставига мувофиқ банкка етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда банк олдида жавоб берадилар.

55.Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган банк Бошқаруви аъзолари жавоб бермайдилар.

56.Банкнинг жами жойлаштирилган оддий акциялари ҳажмининг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) банкка етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида банк Бошқарувига ёки банк Бошқарувининг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

57.Банк Бошқаруви аъзоларининг банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.